



# ЖАМИЯТ

№ 8 (693)  
2020 йил  
28 февраль,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru

## “Ташриф буюрдинг” эмас,

## “Келдим” денг!



## Эзгулик яловбардори



### САОДАТ ВА НАЖОТ — ТУҒРИ ТАРБИЯДА

## Инновация — ислохот — натижа

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном беришни таклиф этганида илм-фанни янада раванг топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавий эгаси сифатида тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни янада жадаллаштириш вақти келганидан қувондим.**

Ўқитувчи бўлганим учун илм-маърифатга қаратилаётган юксак эътибор мени доимо тўлқинлантиради. Дарҳақиқат, “Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!”. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган ёшларимиз учун жорий йилдан қатор кулайликлар яратилиши белгиланди. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражасини 2020 йилда камидан 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказиш вазифалари ҳам мақсад қилиб қўйилди.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда Олий таълимга ёшларни қамраб олиш масаласи долзарб

аҳамият касб этипти. Афсуски, бу борада вилоятларимизнинг салоҳияти катта эмас. Масалан, худуди жиҳатидан республикамиздаги энг катта вилоят — Навоий мисолида оладиган бўлсак, бу ҳудудда ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси атиги 12 фоизни ташкил этади. Вилоятда бор йўғи 2 та олий таълим муассасаси бор. Навоий давлат педагогика институту ва Навоий давлат кончилик институтида 12 мингта яқин талаба таҳсил олмоқда. 2018 йилда бу таълим муассасаларига 60 мингта яқин абитуриент ҳужжат топширган бўлса, шундан 14567 нафари ўқишга қабул қилинган. 2019 йилда эса 70 мингта яқин абитуриентдан атиги 14341 нафари талабалик бахтига муяссар бўлган. Қатор мутахассисликлар бўйича йўналишлар йўқлиги ва квоталар камлиги сабабли ёшларимиз Қозоғистон, Россия, Украина, Туркия ва бошқа чет давлатлар-

га ўқишга чиқиб кетган.

Ўқишга киролмаган ёшларнинг кўпчилиги ишсиз қол-япти ва яна билим олиб, ўз устидан ишлашга ҳафсаласи етмай ёки шарт-шароит тақозоси билан чет элга ишлагани кетаяпти. Улар орасида бирор хунарнинг бошидан тутиб, тadbиркорлик билан шугулланаётганлари ҳам бор. Шу билан бирга, афсуски, бекорчиликдан ёт гоьлар таъсирига берил-лаётган, ҳуқуқбузарликка қўл ураётганлари ҳам йўқ эмас. Ҳуқуқбузарлик ҳолатла-рининг аксарияти ишсиз ёшлар томонидан со-дир этилаётгани бунинг яққол исботидир...

### Муносабат

Президентимиз мактаб ўқув дастурларини илгор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юклама ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш борасида ҳам қатор таклифларни илгари сурди. Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизими жорий этилиши ҳақида ҳам таъкидлаб ўтди: “Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта

кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади”.

Сўнгги йилларда таълим соҳасидаги жадал ўзгаришлар, боғчадан то олий ўқув юртигача — таълимнинг барча бўғинлари ислох қилинаётгани ёшларни кўпроқ таълим-тарбияга, олий ўқув юртига жалб этишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизнинг узвий давомидир. Бу эса ёшларни олий таълим муассасасига ўқишга кириш ва мамлакатимизнинг янада ривожланиши, дунё сийсий майдонида янада обрўси ошишига замин яратади.

Фикримиз исботи ўлароқ, мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошланган ислохотлар натижасида ўтган йили давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари сони 5 минг 722 тага етди. Шунинг ҳисобидан фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил ичида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди.

Президентимиз мурожаатномада 2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлагани, 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилганини қайд этди. 160 та етакчи хорижий университет

билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилдагига нисбатан икки баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

Бу ислохотлардан қўзланган мақсад халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Президентимиз айтганидек: “Халқимиз шунга яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради. Бу гоьят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди”.

Мурожаатномадаги фикрларнинг аксарияти ҳозир режа шаклида ва улар ҳали қоғозда. Уни амалга ошириш ва натижага эришиш учун барча бўғиндаги раҳбарлар ва бутун халқимиз ҳамжиҳатликда ўзларига бириктирилган вазифани бажариши зарур. Зеро, биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

**Нодира ШОЖАЛИЛОВА,**  
Тошкент давлат юридик уни-  
верситети катта  
ўқитувчиси

**ҚИСҚА  
САТРЛАРДА  
ЎҚИҢ!**

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим тасдиқланди.



# Полда ётган беморлар

Фарзандингиз бемор бўлиб қолди. Кўнглингизга чироқ ёқса, ёришмайди. Нима қилиб бўлса ҳам уни даволатишингиз лозим. Зудлик билан шифохонага ётқизиш керак. Тиббиёт муассасасига олиб келиб, кўрсангизки, боласи касал битта сиз эмас. Қабул бўлимида узун навбат, болалар шифохори олдига яқинлашиб бўлмайди. Узоқ кутишдан сўнг галингиз келиб, бир амаллаб текширувлардан ўтилгандан кейин палатага ётқизишга кирасиз. 2 кишилик палатада эса 6 нафар бемор ётибди...

Афсуски, бу қайсидир асардан парча эмас, ҳаёт ҳақиқати. Биз бунга Сурхондарё вилоятининг болалар кўп тармоқли шифохонасида гувоҳ бўлдик.

Маълумки, соғлиқни сақлаш соҳасига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъул этиб белгиланган. Шу боисдан парламент кўйи палатаси Спикери ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Наримон Умаров бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Сурхондарё вилоятида тиббий хизмат ҳолати, “аккли тиббиёт” тизимини жорий қилиш масалаларини ўрганиш бўйича бир қатор тиббиёт муассасаларида бўлди.

Ўрганишлар давомида ижобий жиҳатлар билан биргаликда юқоридаги каби камчиликлар ҳам кузатишди. Жумладан, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази 380 ўринга мўлжалланган бўлишига қарамадан, ҳозирги кунда 600 нафарга яқин бемор даволанмоқда. Бу эса одамларда тиббиёт соҳаси вакиллариغا нисбатан норозилик, соҳадаги ислохотларга ишончсизлик уйғотмоқда.

Бош шифокор ушбу ҳолатни Термиз шаҳри ва унга ёндош туманларда бемор болалар учун тиббий хизмат сифатининг пастлиги, ўринлар сони етишмаслиги натижасида ушбу муассасада беморлар мурожаати ошишига олиб келадиганини таъкидлади. Натижада, яқиндагина таъмирлаб топширилган кўшимча 60 ўринли бино ҳам масалага ечим бўла олмайпти.

Мазкур муаммони ўрганган депутатлар масала юзасидан мутасаддиларга бир қатор ечимларни таклиф этди.

Хусусан, мазкур муассасага кўшимча бино куриши ва ҳудудлардаги шифохоналарда ўринлар сонини кўпайтириш орқали юкломани камайтириш мумкин. Шунингдек, шифохона бош шифокорининг таъкидлашича, гарчи каравотлар мавжуд бўлса-да, санитария нормаларига тўғри келмагани учун 4 нафар бемор ерда ётишга мажбур. Шунинг учун депутатлар санитария меъёрларига оид қонунчиликни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш ташаббусини билдирди.

Бугунги кунда вилоятдаги хусусий тиббиёт муассасаларида 2 мингга яқин ўрин мавжуд бўлса-да, болаларни даволашга ихтисослашган муассасалар йўқ. Ушбу ҳолатнинг республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин. Шу боисдан эҳтиёж юқори бўлган болаларни даволашга мўлжалланган хусусий шифохоналарни ташкил этмоқчи бўлган тadbиркорларга махсус имтиёзлар тақдим этиш, ташкил этишдаги бюрократик тўсиқларни камайтириш лозимлиги билдирилди.

Ишчи гуруҳ томонидан масъуллар билан суҳбатлашилганда, бу каби муаммоларни берилган таклифлар асосида тез орада тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ечимини топишга келишиб олинди. Зеро, мамлакат эртасини, фарзандлар соғлигини ўйлаган ҳеч бир раҳбарнинг ушбу мавзу бўйича шунчаки, кузатувчи сифатида четда қараб туришга ҳақи йўқ.

**Муҳаммад ВАЛИЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавият нотижот ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Фаровон ҳаёт қонун устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари шўбаси ташкил этилди.

# Энди “таниш-билишчилик” бўлмайди

Президенти-миз 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлаётгани, бу ёвуз балонинг олди олинмас экан, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмаслиги, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Сир эмас, кўп ҳолларда ана шу иллат аҳолини иш билан таъминлаш борасида тўғаноқ бўлиб келмоқда. Бугунги кунда иқтисодий тизимнинг аксарият соҳаларида ишга жойлашишда “таниш-билишларни ишга солиш”

ҳолатлари мавжуд.

Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган янги тахрирдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида акс эттирилаётган нормалар иш ўрнини топиш ва ишга жойлашиш билан боғлиқ муаммоларга барҳам беради. Жумладан, қонун лойиҳасига киритилаётган “Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча иш берувчилар томонидан мажбурий тартибда бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар ҳар ойда, шунингдек, ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги ахборотни улар озод этилишдан камида икки ой олдин меҳнат органларига тақдим этилиши ҳамда бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни яширганлик, уларни ўз вақтида тақдим этмаслик, шунингдек, ҳар бир ходимнинг мўлжалланаётган ишдан озод этилиши тўғрисидаги ахборотни меҳнат органларига тақдим этмаслик учун иш берувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлиши” тўғрисидаги ўзгартишлар айна шу мақ-

садларни кўзда тутати.

Бундан ташқари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Меҳнат муносабатлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш” ва “Ягона миллий меҳнат тизими” электрон дастури ишга туширилиши белгиланган. Яъни ишга жойлаштириш жараёнларида илгор информацион технологияларни жорий этиш, меҳнат бозорида ишга жойлаштириш борасида хизматлар кўрсатишда замонавий инфратузилма ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали меҳнат бозорида ошқоралик ҳамда шаффофликни таъминлашига эришилади. Бу эса ишга жойлаштиришда коррупцион ҳолатлар, хусусан, “таниш-билишчилик” иллатига барҳам беришда асқотади.

**Авазбек ЎРИНБОЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

# Сайловчиларга нима деймиз?

Ўтган йиллар давомида Ватанимиз равнақи йўлида қилинган ишлар ҳаммамизда ғурур уйғотади, албатта. Аммо Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳозир кўракка уриб мақтаниш даври эмас. Олдимизда турган ишлар ҳақида чуқур ўйлайдиган, қаттиқ ишлайдиган палла.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномада белгиланган вазифа, режа ва дастурларни рўйбга чиқариш, албатта, осон кечмайди. Уларни реал натижага айлантириш, ҳаётини қонунлар қабул қилишимиз ва шу орқали Ватанимизни янада юксалтириш барчамиздан туну кун меҳнат қилишни, катта ишонч билан ташаббус кўрсатишни, зўр ғайрат ва шижоатли бўлишни, юксак ватанпарварликни талаб қилади.

Эътибор берган

“Эътибор берган бўлсангиз, Мурожаатномада ижтимоий соҳага бот-бот тўхталиб ўтилади. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг давомилигини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг мавқеини ошириш, тизимдаги муаммоларни ҳал этишга катта эътибор қаратилди.”

бўлсангиз, Мурожаатномада ижтимоий соҳага бот-бот тўхталиб ўтилади. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг давомилигини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг мавқеини ошириш, тизимдаги муаммоларни ҳал этишга катта эътибор қаратилди.

Ўзим сайланган ҳудудда узоқ йиллар хотин-қизлар билан бевосита ишлаш чоғида уларнинг қанчадан-қанча муаммосига дуч келганман. Тиббиёт соҳасида ҳам шундай дейишим мумкин. Мамлакат ривож, наслимизнинг тозаллиги бевосита аҳолининг, айниқса, аёлларнинг саломатлиги билан боғлиқ экан, биз бу каби масалаларга ҳеч қачон эътиборсиз қарай олмаймиз. Малакали тиббий ёрдам олиш имкони мавжуд жойда ҳеч қайси аёлнинг соғлигида муаммо бўлмайди, фарзандлар ҳам ри-

соладагидек парваришланади.

Шу боис биз халқ вакиллари қонунчилик палатасида қарор топган амалиётга мувофиқ, ҳар ойнинг сўнгги ҳафтасида бевосита ўзини сайланган ҳудудга бориб, сайловчилар дардига қўлоқ тутар эканмиз, аёлларнинг муаммоларини ечишга, тиббиёт муассасаларини қийнаб келадиган масалаларни ҳал этишга бел боғлаймиз. Зарур бўлса, ҳукуматга, тегишли вазирлик ва идораларга депутатлик сўрови юборамиз. Амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш киритиш бўйича таклифларимизни берамиз. Чунки халқимиз биздан ана шундай амалий иш, аниқ натижа кутиб турибди.

**Мавжуда ҲАСАНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



# “Ташриф буюрчим” эмас,

## “Келдим” денг!

**ЎЗБЕК ТИЛИ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ҲУКУМАТ МИҚЁСИДА ҚИЛИНАЁТГАН ИШЛАР ДИҚҚАТГА САЗОВОР. ОНА ТИЛИМИЗНИНГ БОЙЛИГИ, ТОЗАЛИГИ, НУФУЗИ ВА ШОН-ШУҲРАТИГА КЎПЧИЛИК БЕФАРҚ ЭМАС. БИРГИНА “ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ” ИФОДАСИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИЛГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРИ, БИР ОЛАМ МЕҲР ВА МУҲАББАТИ УЧҚУНЛАБ ТУРАДИ.**



га нима дейсиз?

Устози аввал, муаллими соний, каломи шариф, ҳусни ахлоқ каби иборалар маълум эди. Мўйи муборак, шаҳри азим, рўйи замин сингари форс тилидан кирган ифодалар асл шаклда бугунги кунда ҳам истеъмолда. Бирок “ошиқи беқарор”ни “ошиқу беқарор” тарзида ёзиш ё талаффуз этиш расм бўлган. Шахснинг ҳам “ошиқ”, ҳам “беқарор”лиги эмас, ошиқнинг беқарорлиги таъкидланаяпти, холос. Яъни “беқарор ошиқ”.

Икки сўз орасидаги “и” ўрнини “у” эгаллашдан бошқа ибораларда ҳам маънонинг бузилишини кўрамиз. Масалан, “пиру бадавлат”. Бир эмас, икки киши (пир ва бадавлат) одамлар тўғрисида гап кетаётгандек. Бадавлат бир отахон ҳақида сўз бораркан, “пир бадавлат” дейишимиз мақсадга мувофиқ.

“Ҳаққи рост” деймиз ва ёзамиз. Бу галати. “Ҳақ ва рост” ёхуд “ҳаққу рост” ифодасида маъно мужассам. “Ҳақ” сўзи ҳақлигини “рост” сўзи орқали эмас, балки шахс гапининг тўғрилигини икки сўз орқали тасдиқламоқчи. Икки мустақил сўз бир-бирини маъно жиҳатдан тўлдирмоқда.

“Ақли гап”, “доно маслаҳат” сингари иборалардан “оқилона гап”, “тўғри маслаҳат” қабилидаги ифодаларда мантӣқ кучли. Зеро гап эмас, одам ақли бўлади. Донолик ҳам инсонга хос, маслаҳатгамас.

Телекўрсатув меҳмони: “Мен Жиззахдан ташриф буюрдим”, дея қасрдан келганини маълум қилади. Ҳақиқатдан “ташриф” деганда бирор жойга бориш ё келишни тушунамиз. Аммо “ташриф буюрмоқ” (қадим ранжида этмоқ)нинг ўз ўрни бор.

Уйғун ва Иззат Султоннинг “Навой” драмасида Мулозим хитоб қилади: “Улуг Амир Низомиддин Алишер ташриф буюрадидилар!” Англаш керакки, ташриф ёхуд ташриф буюрмоқ оммага эмас, балки хосга, мўтабар инсонларга нисбатан ишлатиладиган ифода. Олдий инсонимиз, ўз ҳақимизда гапирарканмиз, “ташриф буюрдим” ўрнига олдийгина “келдим” деганимиз маъқулроқ. Аммо уйимизга келган меҳмонни, олдий инсон бўлса-да, эҳтиром ила: “Ташрифингиздан кўп хурсандимиз” десак, боши кўкка етади.

Дарс журналида “ўқувчининг исми, шарифи...” деган ёзувга кўзимиз тушади. Исм — маълум, “шариф” нима? Фамилиями?

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “фамилия” шундай шарҳланган: “Шахс отларига қўшилиб келиб, шу шахснинг наслини билдирувчи оилавий ном”. “Шариф” эса: “муқалдас, азиз, табарруқ”. “Ўткан кунлар”дан ўқиймиз: “Имкон бўлса, ул жанобнинг исми шарифларидан...”

Шахс жанобнинг муборак исмини сўраяпти, фамилиясини (ота ё бобосини) эмас. Бир замонлар эҳтиром юзасидан “исм шарифингиз?” ёхуд “исми шарифлари?” деб сўраш

расм эди. Зотан, “шариф”нинг бемаврид қандай “фамилия”га айлангани, бу сўзнинг фамилияга бутунлай алоқадор эмаслиги ҳақида кўп айтилган. “Исми, шарифи...” деган қайд эса ҳужжатларда давом этапти.

Вақт ўтиши айрим сўзлардаги маънонинг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Бирок йигирманчи аср давомида лугат тўзувчиларнинг айби билан ҳам асрлар давомида буюқ ажодларимиз қўллаган бир қатор сўзлар асл маъносини йўқотди. Масалан, араб тилидан кирган “жадал” сўзи “тезлик”, “кечиктириб бўлмайдиган” маъносида шарҳланди. Ҳолбуки, бу сўзнинг маъноси — уруш, баҳс-мунозара, жанжал. Навоий ва Бобур лугатида “жангу жадал” ифодасига дуч келамиз.

“Ашъорлар”, “ахборотлар” каби сўзларда “лар” ортиқча эмасми? Кўплик устига кўплик. “Ашъор” ё “ахбор”нинг ўзида шъърлар ва хабарлар маъноси мужассам.

“Кутубхона” деймиз. Айрим қўшни давлатларда — китобхона. Араб тилидан кирган “китоб”нинг (грамматик маъносига) кўплиги — кутуб. Яъни кутуб — бу китоблар. Шундан келиб чиқиб, баъзилар “кутубхона”нимас, “китобхона”ни мақбул деб билади. Биз “кутуб-

хона”ни саҳиҳроқ деб ўйлаймиз. Чунки бу даргоҳ китоблар сақланадиган жой.

“Навобахш” деган руқ (тижорат дастури) мавжуд “Наво” телеканалда. “Хузурбахш”, “роҳатбахш”, “шифобахш”...ни эшитганмиз, маъноси ҳам маълум. Аммо “навобахш”да мантӣқ борми? Жамият тараққиёти тилининг луғавий таркибини бойитади. Бирок янги пайдо бўлган термин маънодор бўлмаса ё мавҳум бўлса, тил қандай ривожланиши мумкин? “Навобахш” бунинг мисоли. “Бахш” ва “наво”ни боғлайдиган, бирлаштирадиган “ип” йўқ.

Адабиётшуносликда кўп истеъмол қилинадиган “танқидий матн”нинг маъносига эътироз йўқ. Адабий асарларни таҳлил қилиш, ижобий ва салбий томонларини, ютуқ ва камчиликларини баҳолаш билан шуғулланувчи адабиётшуносни танқидчи ҳам деймиз. “Танқид”нинг бошқа маъноси ҳам бор — камчиликларни айтиш. “Танқидий матн” Шарқ адабиётида “интиқодий матн” шаклида қўлланган. Зикр этилган мафҳумни омма бошқачароқ, айтилик, танқидий мақола деб тушунамслиги учун ўзбек адабиётшунослигида ҳам “танқидий матн” ўрнини “интиқодий матн” эгалласа, айни мулдоа бўлармиз.

Муҳаммад ШОДИЙ,  
Ўзбекистон ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси

## Волонтёрлик фаолиятининг ҳуқуқий асоси

Жараён

**Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази ташаббуси билан “Волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш механизлари: халқро ва миллий тажриба” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг “2020-2021 йилларга мўлжалланган волонтерлик фаолияти соҳасидаги Давлат мақсадли дастури” лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ иштирок этди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида ҳозирги вақтда фуқаролик жамияти институтларининг фуқароларни ташвишга солаётган масалаларга давлат органлари эътиборини жалб этишдаги ролини оширишга ёрдам берувчи қонунчилик базаси, шунингдек, нодавлат ташкилотларнинг давлат ҳокимияти органлари билан

жамоатчилик назоратини ва ижтимоий шерикликни кучайтириш бўйича таклифлари ҳам такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил декабрь ойида имзоланган “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўзининг муносиб ўрнини топган волонтерлик фаолиятини қонуний асосда ўзимизда жорий этиш зарурлиги таъкидланади.

Ишчи гуруҳга, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларга кўнгилдиларни жалб қилиш тажрибасидан келиб чиқиб, “2020-2021 йилларда волонтерлик фаолияти учун Давлат мақсадли дастури” лойиҳасига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа

фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳам кириштиди.

Айтиш ўринлики, шу кунгача ННТ вакиллари томонидан қўллаб-қувватлаш “давра суҳбатлари”, семинар ва ишчи учрашувлар ташкил этилди. Бунинг натижасида ННТ вакиллари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари томонидан ушбу лойиҳага 20 та аниқ таклиф тавсия қилинган.

Муҳокамалар давомида тадбир иштирокчилари томонидан “2020-2021 йилларга мўлжалланган волонтерлик фаолияти Давлат мақсадли дастури” лойиҳасига ННТ вакиллари томонидан тавсия этилган таклифлар атрофида қўриб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг барча ҳудудларида волонтерлик фаолиятини ривожлантириш учун асос бўлади.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,  
“Жамият” мухбири



ҚИСКА САТРЛАРДА УКИНГ!

Тураржойни ижарага берганлик учун алоҳида солиқ тартиби жорий этилади. Бу 2020 йил 1 майдан 2021 йил 1 майгача Бўстонлик туманида тажриба тарихида синовдан ўтказилади.



Фаргоналикларнинг ҳалол меҳнат қилиб, тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечираётгани, одамларнинг бугунги кунидан розилиги маҳаллаларда ишлар тўғри йўлга қўйилганидан далолат. Бу гўшаларда йилнинг ҳар бир фаслида деҳқончилик авжида бўлади. Шунинг учун ҳам водийнинг узум, помидор, айниқса, машҳур бодринглари дунё тан олади-да...



Вилоятнинг Бешариқ туманидаги “Тошариқ” МФЙда истиқомат қилувчи 65 ёшли Муроджон ака Юсупов ўз хонадонидан гулчиликни йўлга қўйган. Қиш фаслида ноёб ва манзарали гул кўчаларини етиштириб, ундан мўмайгина даромад олади.

либ, кутубхона, музей, компьютерхоналар аҳоли учун хизмат кўрсатмоқда.

3 минг 270 нафар аҳоли истиқомат қиладиган Учкўприк туманидаги “Тошкентлик гузар” МФЙда 2019 йилда кўплаб бунёдкорлик, қурилиш ишлари амалга оширилди. Кўчалар саранжом-сарипта, кенг ва ёруғ ҳолатта

дан-йилга ўз фаолиятини кенгайтириб бораётган тадбиркорлик субъектларидан бири. Бу ерда 150 нафарга яқин қишлоқ аҳолиси иш билан банд.

— Корхонамиз замонавий ва илғор

Бувайда туманининг “Юқори мангит”, “Оқ кўргон”, “Найман”, “Чўмбоғиш” маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ана шундай ишлар юзасидан саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Буларнинг самараси ўлароқ, томорқадан унумли фойдаланиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва мароқли ташкил этиш орқали содир этилиши мумкин бўлган турли жиноятларнинг олди олинмоқда. Аҳоли ўртасида боқимандалик кайфияти йўқолиб, пешона тери билан даромад топишга эришилмоқда.

## Маҳаллада бекорчининг ўзи йўқ

ни етиштириш билан шуғулланаман, — дейди Муроджон Юсупов. — 25 турдан ортиқ кўчат уруғларини Голландия, Исроил ҳамда Америка давлатларидан келтириб парваришлайман. Эрта баҳорда юртимизнинг турли ҳудудларига етказиб бераман. Меҳнатим сингган чиройли ва ноёб гулларни шахримиз кўчаларида кўриб, баҳри-диллим яйрайди, гурурланаман.

“Тошариқ” МФЙда 3 минг 124 нафар аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги томорқадан унумли фойдаланиб, деҳқончилик орқасидан рўзғор тебратди. Бундан ташқари, маҳаллада 20 дан ортиқ оилавий тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилган. Кўплаб ёшлар иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббус бўйича маҳаллаларда маърифат марказлари ташкил эти-

келтирилди. Бу маҳалла аҳли деҳқончилик баробарида миллий ҳунармандчилик ортидан ҳам даромад кўради. “Меҳриғиё” хусусий корхонаси йил-



технологиялар ёрдамида шифобахш ўсимликларни етиштиради, — дейди корхона иш юритувчиси Шоҳруҳбек Холматов. — Шунингдек, фойдаланиш озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам фаолиятимизнинг асосийларидан. Ишчиларимиз учун барча шароит муҳайё. Ишчи кучимиз асосан маҳалла ёшларидан. Ҳозирги кунда бизга қўшимча 20 гектар ер ажратилди. Бу билан маҳсулот ҳажмини ошириб, яна кўплаб иш ўринларини яратамиз.

Эндиликда “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажакимиз”, “Хунармандчилик” дастурлари доирасида маҳаллаларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун арзон кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига сартарошхона, новвойхона, шунингдек, ҳунармандчилик, тикув, қандолагчилик цехлари, оталар чойхонаси, гузарлар ташкил этилади.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида маҳалла тизimini ўзгартириш, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий қилиш зарурлиги таъкидланди. Бу тизим жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўғини ҳисобланар экан, янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги айнан маҳаллаларда тўплаб қолган муаммо ва камчиликларга самарали ечим топиш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, аҳолининг дарду ташвишларини тинглаш ва ечим топишига хизмат қилиши зарур.

Гавҳарой КОМИЛОВА,  
ўқитувчи,  
Рустам МАМАЖОНОВ,  
“Жамият”нинг жамоатчи муҳбири

Ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.



Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та

муҳим ташаббус ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида айтилган фикр ва таклифлар юртимизнинг барча гўшаларида амалга оширилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар Яққасарой ту-

## “5 ташаббус — 5 имконият”



манидаги 172-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳам “5



ташаббус — 5 имконият” шифори остида кўргазмали тадбир ўтказилди. Тадбирда мактаб қошида ташкил этилган ҳаваскорлик бадиий жамоалари иштирокида галаконцерт, гимнастика, “Пазанда қизлар”, заргарлик тўғарақлари,

иқтидорли ўқувчи ва ўқитувчилар томонидан турли кўргазмалар ташкил этилди. Айниқса, Музаффар Саидхамедов ташкил этган “Оҳанг” доира тўғараги аъзоларининг чиқишлари йиғилганларнинг кайфиятига жўшқинлик бахш этди. Жисмоний тарбия машғулоти, гимнастикадан тақдимотларда ўқувчилар “Қизларжон” клубларининг фаолияти, пазандачилик, қандолагчилик, тикувчилик тўғарақлари тақдимотлари, ҳунарманд йигит-қизларнинг қўл меҳнати намуналари тадбирнинг байрамона тус олишини таъминлади. Тадбирга келган туман халқ таълими бўлим мудири ва методист ходимлари ҳар бир йўналишга алоҳида ургу бериб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Зоҳида САЙДОЛИМОВА,  
Тошкент шаҳар  
Яққасарой туманидаги  
127-мактабнинг  
маънавий-маърифий ишлар  
бўйича директор ўринбосари



Коронавирус Ўзбекистонда тарқалишининг олдини олиш мақсадида Сеулдан келган йўловчилар вақтинча санитария изоляциясига жойлаштирилди.



# Эзгулик яловбардори



“Муболағасиз айтиш мумкинки, устоз кейинги йилларда ёзилган маърифий-дидактик йўналишдаги асарлари билан мамлакатимиздаги кўпчилик ёшларнинг тарбиясига ижобий таъсир ўтказди, уларнинг комил инсон бўлиб шаклланишига ҳисса қўшди.”

“Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони, “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланди.

Бир гал устоз билан суҳбат уюштиратиб, “Ижодкорларни

дўконига кирманг, адибнинг қайта чоп этилаётган асарларидан ташқари, пешма-пеш нашр этилаётган янги китобларига кўзингиз тушади: “Шайтанат” (5-китоб), “Одабийлик мулки”, “Ҳаёт қайғи”, “Самум”... Инсонийлик ва инсоният учун қилинган машаққатли меҳнат бесамар кетмайди, албатта. Устоз Тоҳир Малик миллий адабиётимизга беиннат хизмат қилиб, ўнга яқин қисса, ҳикоя, халқимиз маънавий-маърифий дунёсини бойитишга ҳисса қўшган панд-насиҳат йўналишида кўплаб китоблар ёзди. Унинг ана шу хизматлари инобатга олиниб, ҳукуматимиз томонидан

эзгулик яловбардори деб атагим келди. Сиз бу таърифга қандай муносабат билдирасиз?” дея савол берганимда, адиб гоят камтарлик билан “Нафақат ижодкорлар, ҳамма эзгулик яловбардори бўлиши керак” дея жавоб қайтаргани. Мен ушбу таърифни яна бир марта такрорламоқчиман. Ижодкорлар, жумладан, сиз ҳам эзгулик яловбардорисиз. Муҳлислар, адабиёт муҳиблари, китобхонлар сиз кўтариб кетаётган эзгулик ялови ортидан эргашмоқда. Ушбу ялов доим баланд ҳилпираб турсин.

Умид АЛИ,  
шоир

Устоз отангдек улуғ дейдилар. Бу ибора гарчанд сийқа эшитилса-да, оҳори кетган бўлса-да, салмоқли, қамрови кенг ва чуқур мазмунга эга. Агар фарзанднинг моддий дунёга келишига ота-она сабабчи бўлса, устоз уни тарбиялаб бошқа бир дунёга — маънавий оламга олиб ўтади. Ёки ота-она болани бу ёруғ дунёга, заминга туширса, устоз уни ердан кўкка кўтарди. Тасаввур қилинг-а: мактабга энди келган, хат-саводдан хабари йўқ етти ёшли болакай ўн йил ичда муаллиму мудarrisлардан турли фанлар бўйича таълим олиб, нималарга эришмайди дейсиз. Биргина устоз сўзининг ўзида қанчалар маъно-мазмун мужжасам. Устоз инсоннинг камолга етиши, комил инсон бўлишида аҳамиятга эга ягона асосдир. Чунки фақат шу зотгина кишиларга маърифат дарчаларини очиши, қалбига маънавият нурини индириши, инсон ақл-заковати нималарга қодирлигини ўргатишдан тортиб унинг обрў-иззат топиши, шон-шарафга бурканишига сабабчи бўлиши мумкин. Қисқача айтганда, инсоннинг инсон бўлиб улғайишида катта роль ўйнайдиган илк зот устоздир.

“Устоз бирор иқтидорли, қобилиятли ёш қаламкаш билан учрашиб қолгудай бўлса ва унинг машқларини ўқиб чиқса, албатта, унинг истеъдодини ўстириш учун ўз ёрдамини аямайди.”

Ўзинг билган, таниган, сenga кўп хизмати сингган, қимматли маслаҳат ва ўғитларини аямаган, кези келганда ёрдамини беиннат қилган устоз ҳақида сўз айтиш осон ва қийин. Осонлиги шундаки, ўз устозининг феъл-атвори, табиати, қизиқишларини муомала маланиятининг қандай даражада эканини беш қўлда яхши билсанг, таърифлаб чарчамайсан. Аммо шу нарсаларни била туриб, керакли сўзни айта олмаслиқдан қийини йўқ. Биласизми, бу ҳол қайси вазиятда юз беради? Ўзинг яхши кўрган, ўзингдан-да зиёд ҳурмат қиладиган устозингнинг эл ичида обрў-эътибори, шарафи жуда юксак бўлса, уни таърифлашга тил ожизлик қилади. Чунки эл суйган, эъзозлаган, халқ эътибори ва меҳри буюк устознинг мақоми жуда олий бўлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ана шундай халқ ардоғи ва меҳр-муҳаббатига сазовор инсон эди. Шундай кишилар борки, уларга халқнинг аввал эътибори тушади, сўнг меҳр қўядилар, бора-бора эса эътиқод кўя бошлайдилар. Устоз Тоҳир Малик ана шундай шараф, мақомга, таъбир жоиз бўлса, бахтга эришган адиблардандир.

Ёзувчи даставвал ўзининг фантастик қисса ва ҳикоялари билан китобхонлар эътиборига тушди, сўнг детектив-саргузашт қисса ва романлари билан адабиёт муҳиблари қалбидан жой олди. Муболағасиз айтиш мумкинки, устоз кейинги йилларда ёзилган маърифий-дидактик йўналишдаги асарлари билан мамлакатимиздаги кўпчилик ёшларнинг тарбиясига ижобий таъсир ўтказди, уларнинг комил инсон бўлиб шаклланишига ҳисса қўшди. Айниқса, жиноят олами қаламга олинган асарларда ҳар қандай ёвузлик жазоланмасдан қолмаслигини таъкидларкан, инсон ўз мазмун-моҳияти билан фақат инсоний ишларни амалга оширсагина, доим эзгу савий-ҳаракатлар қилсагина улғуйликка эришиши, обрў ва эътибор қозонишини хитоб қиладди. Адиб Тоҳир Маликнинг ижодий лабораториясини яхши биламан. Ёзувчи у ёки бу мавзунни қаламга олишдан аввал у би-

лан боғлиқ барча деталарни синчиклаб ўрганади, ҳатто битта образ ёки характерни тўлақонли очиш учун шу типдаги ўнлаб инсонлар билан учрашишдан, улар билан суҳбат қуришдан эринмайди. Кўпчилик севиб ўқиган “Шайтанат”, “Мурдалар гапирмайдилар”, “Сўнгги ўқ”, “Жиноятнинг узун йўли” сингари жиноят олами вақилларининг аянчли қисматидан ҳикоя қилувчи мумтоз асарлар ана шундай машаққатлар эвазига туғилган. Бу асарларни ўқиган киши биладики, адиб жиноятчиларнинг ҳолатини, ишларини майда-чуйдаси билан кўшиб, ўта маромига келтириб ёзган. Беихтиёр “Тоҳир Маликнинг жиноятчилар билан тили битта эмасмикан”, деб ўйлаб қолардим. Бу ҳақда у кишига айтганимда, ёзувчи ҳар бир характерга кира олиши, уни ҳис қилиши керак, дегандилар. Мен устоз билан илк бор ўтган асрнинг охириларида “Шайтанат” қиссасини ўқигач, гойибона танишганман. Сўнг оромимни ўғирлаган бу қисса муаллифи билан учрашиш истаги туғилганди. Ниятим холис экан, “Бекажон” тахририятига ишга келган давримнинг илк палласида адиб билан учрашишга муяссар бўлдим. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, устоз Тоҳир Маликнинг биз ёшлар ўрнатган олсак арзийдиган жуда кўп фазилатлари борки, уларни санаб адо қилиш қийин. Меҳр-оқибатли, виждонли, инсофли, ҳақиқатқўй, меҳмондўст, адолатли... Шулардан яна бирини алоҳида келтириб ўтмоқчиман. Устоз бирор иқтидорли, қобилиятли ёш қаламкаш билан учрашиб қолгудай бўлса ва унинг машқларини ўқиб чиқса, албатта, унинг истеъдодини ўстириш учун ўз ёрдамини аямасди. Устоздаги яна бир фазилат бу унинг фаол ижод қилишида эди. Ҳозирда мамлакатимиздаги қайси бир китоб

## Бизнинг қишлоқларда ўлиб бўлмайди



Оғрик

Яқинда бир жаноза сабаб бобомнинг тағларини тушундим. Шахрисабз туманининг олис Бошқоб деган қишлоғида ёгингарчилик мавсумида ҳатто ўлиб бўлмастлигини, вилоят ҳокими фақат асфальт йўл борган қишлоқларга бориши, ўзини шу йўл билан пиар қилишини билдим. Аммо қишлоқдошларимга минг раҳмат. Турли ёшдаги кишилар йўлнинг лой, сирпанчиқ, балчиқ бўлишига қарамай, майитни мазоргача кўтариб боришди. Мен эса то қабристонгача майит одамлар қўлидан тушиб кетмасин, деб Аллоҳдан сўраб бордим. Бунинг сабабини суратни кўриб тушуниб олмасиз, азизлар!

Азим РҶЗИЕВ,  
журналист



Чақирилиш мuddатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистоннинг чақирув ёшидаги фуқаролари 2020 йилнинг март-апрель ойларида мuddатли ҳарбий хизматга чақирилади.



# Саодат ва нажот — тўғри тарбияда

**Мактабдаги кўпгина ўқитувчилар синф раҳбари деган ўта масъулиятли вазифа соҳибларидир. Ўқитувчининг иши нақадар кўплигини шу касб соҳибларидан бошқалар ҳам яхши тасаввур этадилар, айниқса, синф раҳбарларининг зиммасидаги вазифа бунинг катта қисмини ташкил этади. Тарбияга эса асосан синф раҳбар масъул бўлади.**

Билим даргоҳларимизда “Тарбия” фани босқичма-босқич амалиётга жорий этилиши хушxabари ҳамма қатори мени ҳам жуда қувонтирди.

Синф раҳбарининг ўз мутахассислигидаги дарсларидан ташқари, ҳар ҳафтада бир марталик тарбиявий соат дарси борлиги ҳаммага маълум. Шундай вазифа эгаси бўлган муаллим ёки муаллиманин тарбиявий ишлар бўйича анчагина катта ҳужжатлар мажмуаси бўлиши талаб этиладики, тарбиявий соатлар тақвимий иш режаси улар ичида арзимаган бир неча саҳифани ташкил қиларди, ҳоло.

Тезкор аср, замон шилда-ти билан боғлиқ бир қанча муаммолар орасида, тарбия масаласидаги оғриқли нуқталарнинг кўпайиб бориши ҳам кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Улардан кўпларининг ечимини топишга эришиш қийин кечмоқда.

Анча йиллар бўлди, “таълим-тарбия” бирикмаси ўрнида “тарбия ва таълим” дейиш ўринли бўлади, чунки таълимдан кўра, тарбия муҳимроқ, деган фикр илгари сурилганди. Аммо тилимиз одатланиб қолган бу икки сўздан иборат муҳим вазифа номи шундайлигича сақланиб, қўлланиб келинмоқда. Муҳими, унинг қандай номланиши бўйича тортишиш эмас, зиммамизга қўядиган вазифаларини қандай бажаришдир. Тан олишимиз керакки, бу масъулиятли вазифага талаб даражасида қаралмай қўйганига-да, анча йиллар бўлди. Тўғри эмасми?

Ҳар бир ўқитувчидан фақат дарслик билан чекланиб қолмаслик, ўқувчиларга фан бўйича мумкин қадар кенгроқ билим беришга эришиш талаб қилинади. Бу гаплар фақат эслатиб ўтиш учун келтирилди, мулдоа эса шуки, қирқ йилдан ортиқ мактабда ишлаб, тарбиявий соатларда ўрганилиши лозим бўлган, тарбия бўйича минимал билимлар мажмуаси бўлган дарслик йўқлигидан таассуф чеккан вақтларим кўп бўлганди.

Бир неча йил муқаддам ўқувчининг тарбияланганлик даражасини аниқлаш бўйича

айрим кўрсатмалар берилганди. Бу борадаги керакли кўп нарсалар ҳисобга олинган, аммо шу бўйича тавсия қилиниб, бажарилиши сўралган ҳужжат жуда мураккаб, ундаги талабларни бажариш амалда жуда мушкул эди. Шу босдан бўлса керак, уни қўллаш давом эттирилмади.

Баъзан ишда қисман қўллашга ҳам уриниб кўрганим бир таклифни айтмоқчиман: ҳар бир ўқувчининг эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини қайд қилиб бориш тизими йўлга қўйилса. Ютуқлар, яхши натижалар учун рағбатлантириш асосий эътиборда бўлиб, камчиликлар ва ножиоз ҳолатларга йўл қўйилганда кўпинча буни фақат қайд қилиб қўйиш билангина кифояланиш, лозим бўлгандагина ўқувчининг ўзи ёки ота-онаси билан суҳбатлашиш каби нисбатан энгил чоралар кўрилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Хусусан, синф журналига қўшимча, дастлаб оддий умумий дафтар, балки кейинчалик махсус нашр қилинадиган “Ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш дафтари”. Синф ўқувчиларининг умумий рўйхати ёнида иккита графа: “Ижобий фаолият. Салбий ҳолатлар”. Ёки оғзаки бошқача номланганда: “плюслар” ва “минуслар”.

Дарсга кирган ўқитувчи лозим топганда тегишли ўқувчиларга “плюс” ёки “минус” қўяди. Бунинг учун “Ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш дафтари”даги “Ўқувчилар фаолияти қайдномаси”, деган махсус саҳифада тегишли ўқувчининг ўша хатти-ҳаракатини қисқача қайд қилиб, санасини ҳам кўрсатади. Сўнг “Ижобий фаолият” ёки “Салбий ҳолатлар” саҳифаларидан тегишли бирида ўша ўқувчининг фамилияси ва исми қаторида “Ўқувчилар фаолияти қайдномаси”даги тегишли қайд тартиб рақами ва санасини ёзиб қўяди. Қайси “плюс” ёки “минус”ни нима учун олганини эса қизиққан кишилар, жумладан, ўқувчиларнинг ота-оналари топа олади.

Шусиз ҳам ниҳоятда кўп бўлган ўқитувчилар ишини

янада кўпайтириш жоизмикин, деган эълғоз эҳтимолини назарда тутиб, айтмоқчиманки, бу унчалик қийин иш эмас ва кўп вақтни олмайди, аммо берадиган фойдаси билан бемалол ўзини оқлайди.

Асосий натижани эса “тарози” беради: вақти-вақти билан ўқувчининг мактабдаги фаолиятига назар ташланади, маълум вақт давомида неча марта ва қандай яхши натижалар кўрсатган-у, неча бор камчиликка йўл қўйган, неча “плюс”-у неча “минус” олган. Шунга мувофиқ, ҳар бир ўқувчига, синфларга, гуруҳлар ва бошқа жамоаларга тегишли баллар натижалари чиқарилиб, ўзаро қийслаб бориш тизимини йўлга қўйиш мумкин. Бундан кутилиши мумкин бўлган натижаларни эса тушуниш қийин эмас: фойдаси катта бўлалайю асло зарари бўлмайди.

Тарбия учун энг асосий восита китоб, китобхонлиқдир. “Адабиёт” сўзининг маъноси асосини “одоб” ташкил этади. Барча яхши китоблар тарбия мақсадини кўзда туттади. Бевоқиф тарбиянинг ўзига бағишланган китоблар ҳам кўплаб нашр этилмоқда.

Русларда “настоольная книга” ибораси бор, ишда доимий фойдаланиладиган энг сеvim-

ли китоб, маъносида тушунилади. Ёшлик чоғларимда ма-лака оширишга борганимизда, раҳматли устозимиз Амина Иброҳимова дарсларидан бирида тарбиявий мақсадларни қандай бажариш ҳақида сўзлаётиб, бир китобчани кўрсатди ва иш жараёнида мунтазам фойдаланишни тавсия этиб, тегишли йўл-йўриқлар кўрсатди. Ўша “Донишмандлар ахлоқ-одоб тўғрисида” китобини тўрт нусхада сотиб олиб, кўп йиллар фойдаланиб юр-

ниб, бошқаларни ҳам ундан баҳраманд этса. Шу таразда бир билим даргоҳи мураббий ва мураббиялари тарбия бўйича бир қанча муҳим китобларни вақти-вақти билан ҳамкасблари орасида ва энг муҳими, шоғирдлари орасида тарғиб қилиб, ўзлаштириб борилишини йўлга қўйса. Лекин бу таклифим мақбул топилса... илтимос қилардимки, бу ҳам келган тафтишчилар текширадиган ҳужжатлар сафидан ўрин ол-маса.

Тарбия дарсликларини тузиш ишлари аллақачон бошланган, бу бўйича муайян ишлар олиб борилаётганини билсам-да, айрим таклифларимни маълум қилишга жазм этдим.

Бу эзгу мақсад йўлида тузилаётган қўлланмаларда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Ижтимоий одоблар” китобидан, жадон адабиёти, ўзимизнинг мумтоз ва замонавий адабиётимиз сара намуналаридан танланган қирчмалар киритилиши катта самара беради. Шунингдек, таълим-тарбияга, ўз-ўзини ривожлантиришга одд тестлар жамланмаси тузилиши, улардан нафақат тарбия дарсларида, балки бутун таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш ишларини йўлга қўйиш чоралари кўрилса, ўйлайманки, фарзандларимиз тарбиясида олға силжиш бўлади, албатта.

Хусниддин ФАЙЁЗОВ,  
Уرғут тумани



“ Тарбия учун энг асосий восита китоб, китобхонлиқдир. “Адабиёт” сўзининг маъноси асосини “одоб” ташкил этади. Барча яхши китоблар тарбия мақсадини кўзда туттади. Бевоқиф тарбиянинг ўзига бағишланган китоблар ҳам кўплаб нашр этилмоқда. ”

дим. Ўзим ҳам бошқаларга тавсия қилишим боис қўлимдаги улар сони тобора камайиб, охир-оқибатда сўнгги нусхасидан ҳам ажралиб қолдим.

Хоҳлардимки, ҳар бир муаллим ёки муаллиманин ўз фанига тегишлиларидан ташқари, тарбия бўйича “настоольная книга”си бўлса, ўша китобдан мунтазам фойдала-

## Қулай шароит — муस्ताҳкам саломатлик гарови

Жараён

Бугунги ислоҳотларнинг изчил ҳаётга татбиқ этилиши, жумладан, тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар одамлар кўнглига катта умид бағишламоқда. Масалан, салкам эллик йиллик тарихга эга бўлган Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси биноси инвестиция дастурига киритилиб, 11 млрд. 800 млн сўмлик маблағ эвазига капитал таъмирланди. 6,5 млрд сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада туманимизнинг 104 мингдан ортиқ аҳолисига ўз саломатликларини тиклаши, даволанишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Булардан ташқари туманимиздаги “Маданият”, Султон Сегизбоев, Акмал Икромов қишлоқ врачлик пунктлари, 43-сон қишлоқ онлави поликлиникаси янгитдан қурилди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Айниқса, 83 йил давомида фаолият юритиб келган “Маданият” қишлоқ врачлик пункти биноси дастурга киритилиб,

2 млрд 200 минг сўм маблағ ажратилгани ҳолда янгитдан қурилди. Натижада туманнинг Сувти, Хонобод ва Таловул маҳаллалари аҳлига ҳам малякали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти кенгайди.

Ҳозирда бир кунда 710 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга бўлган туман кўп тармоқли поликлиникасида барча зарур шарт-шаро-

итлар муҳайё қилинган. Ушбу поликлиника биноси 2016 йилда мукаммал таъмирландан чиқарилган эди. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб қабулхонада беморларни электрон қабул қилиш йўлга қўйилган.

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасидан, қолаверса, тиббиёт соҳасига кўрсатилаётган эътибордан руҳланган ҳолда ходимларимиз илгор замонавий даволаш усулларини ўзлаштирган ҳолда туманимиз аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишяпти. Бугунги давр талабидан келиб чиқиб ходимларимизни қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакаларини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратганмиз.

Дониёр ПИРНАЗАРОВ,  
Оққўрғон туман тиббиёт  
бирлашмаси бош шифокори



2020 йил 1 мартдан бошлаб, Тошкент шаҳрида ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятнинг алоҳида тартиби жорий қилинади.



# “Ҳаёт давомида таълим олиш”

**Бугун ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, таълим ва тарбия ҳамда маърифат ҳар бир ривожланаётган мамлакатнинг юз-кўзига, ифтихорига айланмоқда. Чунки бу юрт келажagini, ёш авлод камолотининг бугуни ва эртасини ҳал қилувчи асосий мезондир.**



**Абдужаббор АРАНЖИЕВ,**  
Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи директори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда профессионал таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг истиқболли йўлларини белгилаб берди. Бугунга келиб, мавжуд профессионал таълим дастурлари “ЮНЕСКО” томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмагани, ўқув жараёнида Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмагани таяёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорига муносиб ўрин эгаллашига тўққонлик қилиб келар эди. Фармонда мувофиқ, 2020-2021 ўқув йилидан халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этиладиган бўлди.

Кувонарлиси шундаки, Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим муассасалари ҳузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари рўйхати Президентимиз (ПФ -58/12) фармонининг 3-илоvasига мувофиқ тасдиқланди.

Ана шу рўйхатда Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи ҳам бор. Даргоҳимизга Тошкент давлат аграр университети қошида олий таълим тизими билан интеграциялашган (ҳамкорликдаги) бошланғич олий техникум мақоми берилди. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда мундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов контракт асосида бошланғич олий таълим шаклида ўқиш амалга оширилади. Ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз, яқка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлишади.

Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи бундай мақом берилиши бежиз эмас. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида, аниқроғи 1966 йилда Бўка қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми номи билан ўз фаолиятини бошлаган мақсуд ўқув даргоҳи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги қарори билан агросаноат касб-ҳунар коллежига, 2009 йилда эса касб-ҳунар таълими марказини буйруғига асосан агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежига айлантирилди.

Ўтган йиллар мобайнида билим даргоҳини жуда кўплаб ёш мутахассислар тамомлади ва улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилишарди. 2006 йилда 450 ўринли ўқув даргоҳимиз қайта таъмирдан чиқариш лойиҳаси бўйича 720 ўринли ўқувчи қувватига эга бўлди. Барча ўқув хоналари ёшларнинг замонавий билим олиши учун старли имкониятлар билан таъминланди ва



**“ Ҳомийлар ва ишлаб чиқариш маблағлари махсус ҳисобидан ўқув даргоҳига қўшимча сўнгги русумдаги ўнлаб компьютерлар жамланмаса, 3 сотихли замонавий лимонария иссиқхонаси, ўқувчиларни ҳайдовчиликка ўргатадиган машқ майдони ташкил қилинди. ”**

моддий жиҳозларга эга бўлган ишлаб чиқариш корпуси барча жиҳозлар ва қулайликлар билан бирга уста ва талабалар ихтиёрига топширилган. Ҳозирда коллежимизда 100 ўринли ётоқхона, 150 ўринли фаоллар зали, 150 ўринли ошхона талабалар хизматида. 30 мингга яқин адабиёт фонди эга бўлган ахборот ресурслар маркази (кутубхона) интернет тармоғига уланган. Иккита компьютер синфи мавжуд бўлиб, уларга замонавий русумдаги компьютерлар жамланмаса ўрнатилган. Аниқ ва гуманитар ҳамда мутахассислик фанлар бўйича ўқув кабинетлари замонавий билим олиш учун барча шарт-шаро-

ит ва жиҳозларга эга. Коллежда 2006 йилда раҳбарият ташаббуси билан “Заковат” интеллектуал клубининг ташкил этилгани айна мўдда бўлди. Ушбу клубда иқтидорли ёшлар, зукко талабалар ўзларининг билим ва маҳоратларини тинимсиз ошириб боришади.

Шунингдек, коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси Элдор Илясов Республикка касб-маҳорат кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли I-ўринни эгаллади ҳамда олий тоифали замонавий мутахассис эканлигини амалда исботлади. Булардан ташқари, махсус фан ўқитувчиси Музаффар Эсергапов, инглиз тили фани ўқитувчиси Сурайё Мавлонова, иқтисодий фани ўқитувчилари Гулбаҳор Содиқова, Хулқар Махаматова, ишлаб чиқариш таълими усталари Шухрат Абдувалиев, Ориф Саидрахмонов, Илҳом Аҳмедов, Шерали Шукуров сингари устозларнинг янгича изланишлари, “Устоз-шогирд” аънаваларини изчил ва фаол олиб бораётгани таъсинга сазовор.

Ҳомийлар ва ишлаб чиқариш маблағлари махсус ҳисобидан ўқув даргоҳига қўшимча сўнгги русумдаги ўнлаб компьютерлар жамланмаса, 3 сотихли замонавий лимонария иссиқхонаси, ўқувчиларни ҳайдовчиликка ўргатадиган машқ майдони ташкил қилинди.

Ижодий изланиш ва шижоатли меҳнат бор жойда ҳаймиша ўсиш ва ривожланиш бўлади. Жамоамиз соғлом фикрли ҳамда ҳамжиҳат мутахассислардан таркиб топган деб ўйлайман. Бу нарса таълим жараёнида яққол сезилди. Чунончи, махсус фан хоналарида яратилган стэнд ва плакатлар, видеопроекторлар, автомобилларнинг табиий тасвирлари кўп йиллик ижодий изланишлар самарасидир. Йиллар давомида, изчил кадрлар малака салоҳиятини ошириб бориш ва таълим му-

ассасининг моддий-техник базасини юксалтириш ҳисобига катта ютуқларга эришилди. Ҳозирда 6 та инновацион ва ақлли синф хоналари, замонавий 240 ўринли ишлаб чиқариш мажмуасининг ташкил этилгани ўз-ўзидан бўлган эмас. Булар узоқ йиллик ижодий изланишлар маҳсулидир. Олий таълим муассасалари ҳузурида ўқув даргоҳимизнинг бор экани эса, аввало, бизга бидирилган ишонч ва эътибор намунасиридир.

Бугунги кунда илм-фанни ривожлантириш, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш, профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жалал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, таълим муассасаларининг моддий-техника базаларини замонавий, сўнгги русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича ҳомийлар кўмаги йўлга қўйилган.

Шунга мувофиқ Республикаимиздаги 5 та касб-ҳунар коллежи қатори Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. “Ўзгросаноатхолдинг” АЖ ва Голландиянинг «KNX industrial» компанияси томонидан “НЬЮ ХОЛЛАНД” TD 5.110 русумли ҳайдов трактори тақдим этилди.

Мазкур совға касб-ҳунар коллежи устозлари ва ўқувчиларини беҳад қувонтирди. Бу эътибор ёшларнинг халқаро стандартларга мос, меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган малакали мутахассис бўлиб етишишига ҳамда назарий билимларни амалиётда янада мустаҳкамлашига асос бўлади.

Жорий йилнинг 24 январь куни юртимиз аҳолисининг турмуш шароити ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасини кўтаринки кайфият билан қўйиб олди. Биз бундан руҳланган бор куч ва ғайратимизни, садоқатимизни малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратамиз. Янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг етуқ ва баркамол ёшларини тарбиялаш ишига ўз ҳиссамизни келажакка ишонч ва фахр билан қўшиб бораверамиз.

<p><b>ЖАМИЯТ</b></p> <p>Муассислар: Фарқолик жамиятини ривожлантириш маркази. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустанкил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини</p>	<p>қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш давлат қўмитаси. “Фарқолик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.</p>	<p><b>Бosh муҳаррир</b> Мақсуд ЖОНИХОНОВ</p> <p><b>Тахрир ҳайъати:</b> Рустам Комилов Борий Алихонов Акмал Саидов Раҳмат Маматов Ақтам Хайитов Адҳам Икромов</p>	<p>Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-214 Адади: 1505. Жума кунли чиқди. Қороз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоиси келишилган нарҳда. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.</p> <p>ISSN 2010-7722</p>	<p><b>Навбатчи:</b> Гулбаҳор Хусанова</p> <p><b>Дизайнер:</b> Беғали Эшонқулов</p> <p>100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилик кўчаси 32. Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55 Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@mail.uz Газета индекси — 131 “ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Тошпирилган вақти: 15.15</p> <p>1 2 3 4 6</p>
--	--	--	--	--



Каронавирус туфайли Саудия Арабистони Подшоҳлиги дунёнинг барча мамлакатлари учун «Умра» визасини тақдим этишни вақтинча тўхтатди.



**XalqBanki**

**“СОВРИНЛИ”**

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ  
МУДДАТЛИ-ЮТУҚЛИ  
ОМОНАТ ТУРИ

**ЮТУҚЛАР СОНИ 108 ТА.  
СУПЕР ЮТУҚ “NEXIA-3”  
ВА “SPARK”  
АВТОМАШИНАЛАРИ.  
106 ТА ТУРЛИ  
ҚИЙМАТДАГИ ПУЛ  
ЮТУҚЛАРИ.**



**6** ОМОНАТНИ  
САҚЛАШ  
МУДДАТИ  
**ОЙ**

2 000 000 СЎМ ВА  
УНДАН ЮҚОРИ  
ҚОЛДИҚҚА ЭГА  
БЎЛГАН  
ҲИСОБВАРАҚЛАР

ЙИЛЛИК  
СТАВКАСИ  
%

**17**



**ЭНГ КАМ МИҚДОРИ БЕЛГИЛАНМАГАН.**

**Батафсил: [www.xb.uz](http://www.xb.uz) сайтида танишишингиз мумкин!**



Қашқадарё вилоятининг Касби туманида илк «Рақамли технологиялар ўқув маркази» очилди.